

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2017 йил 26 октябрь, № 216 (6910) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ:

# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғоннинг таклифига биноан 2017 йил 25 октябрь куни давлат ташрифи билан Туркияга келди.**



*Анқара, 25 октябрь.*
*ЎзА махсус мухбири Анвар Самадов хабар қилади.*

Икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилган Эсонбуға халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Туркия Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Бекир Боздағ ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Шавкат Мирзиёев Аниткабир ёдгорлик мажмуасига ташриф буюриб, Туркия Республикасининг биринчи Президенти Мустафо Камол Отатурк хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари Туркия Республикаси Президенти саройида бўлиб ўтди. Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдўғон тор доирада учрашув ўтказди. Унда Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Туркия Республикаси Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини биринчи бўлиб тан олган. 1996 йилда мамлакатларимиз ўртасида Абадий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланган.

Ўзбекистон ва Туркия ҳамкорлиги икки томон учун ҳам манфаатли. Мамлакатимизнинг бозори, тобора эркинлашаётган иқтисодиёти, қулай инвестициявий муҳити Туркияни қизиқтиради. Ушбу мамлакатнинг ривожланган саноати, транспорт коммуникациялари, денгиз йўллари, қишлоқ хўжалиги ва туризм салоҳияти Ўзбекистонга фойда келтиради.

2016 йил ноябрда Президент Режеп Таййип Эрдўғоннинг мамлакатимизга ташрифи Туркия Ўзбекистон билан ҳамкорликни мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини намоён этди. Давлат раҳбарлари жорий йил 14 май куни Пекинда ўтган "Бир макон, бир йўл" форуми, 10 сентябрь куни Остона шаҳрида бўлган Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Фан ва технологиялар бўйича саммити доирасида музокаралар ўтказди. Шунингдек, сентябрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессияси доирасида учрашди.

Мамлакатларимиз ўртасида турли даражадаги ўзаро ташрифлар фаоллашди. Жорий йилнинг ўзида Туркия Республикаси Бош вазири ўринбосари, ташқи ишлар вазири, миллий мудофаа вазири бошчилигидаги делегациялар Ўзбекистонда, мамлакатимиз Бош вазири ўринбосарлари, мудофаа вазири раҳбарлигидаги делегациялар Туркияда бўлди. Қатор қўшма тадбир ва форумлар ўтказилди. 25 май куни пойтахтимизда бўлиб ўтган Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Туркия ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси, 30 сентябрь Тошкентда ва 6 октябрь кунлари Истанбулда ўтган бизнес форумларида ҳамкорликнинг кўплаб истиқболли йўналишлари белгилаб олинди.

Президентлар мулоқотни икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида давом эттирдилар. Музокарада савдо, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, туризм, илм-фан ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Туркия Ўзбекистоннинг муҳим савдо шерикларидан биридир. 2016 йилда ўзаро савдо ҳажми 1,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Жорий йилнинг тўққиз ойида товар айирбошлаш ҳажми 29 фоиз ошди. Мамлакатимизда Туркиянинг 500 га яқин фирма ва компаниялари фаолият юритмоқда. Шу йилнинг ўзида юртимизда ушбу мамлакат сармояси иштирокида 20 дан ортиқ корхоналар ташкил этилди, 53 компаниянинг ваколатхоналари аккредитация қилинди.

Музокарада ўзаро ҳамкорликда ҳали фойдаланилмаган имкониятлар кўплиги, ушбу ташриф икки мамлакат вазирлик ва идоралари, ишбилармон доиралари ўртасидаги алоқалар ривожига янги суръат бахш этиши таъкидланди.

Икки мамлакатда харидоргир бўлган юқори қўшимча қийматли маҳсулотларни етказиб бериш ва узоқ муддатли инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш орқали ўзаро савдо ҳажмини мунтасил ошириб бориш ва диверсификация қилиш бўйича якдил фикр билдирилди. Хусусан, Ўзбекистон кенг турдаги саноат маҳсулотлари, трансформаторлар, кабель ўтказгичлар ва бошқа электротехника товарлари, полимерлар, мис ва мис маҳсулотлари, минерал ўғитлар, калава ип, мева-сабзавот, қайта ишланган озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотларни экспорт қилиши мумкин. Шу мақсадда Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Туркия ҳукуматлараро комиссияси мажлисларини мунтазам йўлга қўйиш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистонда Туркиянинг етакчи компаниялари иштирокида қўшма инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш, энг аввало, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарида минерал ва хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш рағбатлантирилади.

Энергетика ва фойдали қазилмалар, жумладан, қайта тикланадиган энергия, энергияни тежаш ва углеводородлар соҳаларида ҳамкорлик имкониятларини ўрганиш ҳамда тажриба алмашиш қўллаб-қувватланди.

Транспорт ва логистика масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Мамлакатларимизни бир-бири билан боғлайдиган транспорт йўлакларини кенгайтириш савдо-иқтисодий алоқалар ривожида муҳим омил бўлиши қайд этилди. Икки мамлакат ҳудуди орқали ўтувчи халқаро транспорт йўлакларининг рақобатдошлиги ва жозибадорлигини ошириш мақсадида транзит тарифларини мақбуллаштириш ва преференциялар тақдим қилишга келишиб олинди.

Давлат раҳбарлари Самарқанд ва Истанбул шаҳарлари ўртасида тўғридан-тўғри парвозларни йўлга қўйиш бўйича эришилган келишувни мамнуният билан қайд этиб, фуқаро авиацияси соҳасидаги ҳамкорликни изчил ривожлантириш, мунтазам парвозлар сонини ошириш ва янги парвозларни йўлга қўйиш тарафдори эканликларини тасдиқладилар.

Ўзбекистон ҳам, Туркия ҳам туризм соҳасида улкан имкониятларга эга. Бу салоҳиятдан тўла фойдаланиш, сайёҳлар алмашинувини ошириш улкан иқтисодий самара беради.

Президентимизнинг яқинда қабул қилинган Туркия Республикаси фуқаролари учун виза тартибини соддалаштиришга оид қарори бу борада муҳим қадам бўлди. Қарор асосида тадбиркорлик ва сайёҳлик мақсадида Ўзбекистонга боришни истаган Туркия фуқаролари учун визалар тез ва осон тақдим этилади.

Соғлиқни сақлаш ва тиббий таълим соҳаларида, етакчи тадқиқот марказлари ўртасида тажриба алмашиш ҳамда профессионал кадрлар тайёрлаш борасидаги ҳамкорлик ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатларимиз БМТ, ШҲТ, МДҲ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар бўйича томонларнинг позициялари бир-бирига ўхшаш ёки яқиндир.

Президентлар минтақавий ва халқаро даражада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш истагида эканликларини таъкидлаб, кўп томонлама тузилмалар доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга интилишларини билдирдилар.

Томонлар халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, наркотикларнинг ноқонуний муомаласи, трансмиллий уюшган жиноятчилик, шунингдек, бошқа таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашишда икки томонлама ва кўп томонлама тузилмалар доирасида ҳамкорликни янада ривожлантириш муҳимлигини таъкидладилар.

Ўрмон хўжалигини ривожлантириш, сув ресурсларини самарали бошқариш, тупроқ деградацияси ва чўлланишга қарши курашиш борасида тажриба алмашишга тайёр эканликларини билдирдилар.

Фан, таълим, маданият соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Туркия Ўзбекистонда буюк алломалар меросини ўрганиш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашишга қаратилган ташаббуслар ва амалий ишларни юқори баҳолайди. Самарқандда бунёд этилаётган Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Тошкентда ташкил қилинаётган Ислом цивилизацияси маркази бу борада улкан аҳамият касб этади. Олимлар ва илмий марказлар ўртасидаги алоқалар, маънавий ва маданий меросни биргаликда ўрганишга қаратилган лойиҳалар халқларимиз дўстлигини янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшади.

Музокаралар якунида Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги ҳамкорликнинг турли соҳаларига доир 20 дан зиёд ҳужжатлар имзоланди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Режеп Таййип Эрдўғон давлат раҳбарларининг Қўшма баёнотини имзоладилар.

Шунингдек, савдо, саноат, банк-молия, инвестиция, туризм, юк ташиш, соғлиқни сақлаш, кадрлар тайёрлаш, мудофаа ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришга доир қатор ҳужжатлар қабул қилинди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Режеп Таййип Эрдўғон музокаралар ўзаро англашув ва ҳурмат руҳида ўтганини, имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Республикаси ўртасидаги узоқ истиқболли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

**ЎзА.**

Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат.

---

# ТУРКИЯ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ТАШКИЛОТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМИ ИМЗОЛАНДИ

***Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси делегацияси Туркия Истеъмолчилар ҳуқуқлари ассоциацияси таклифига биноан ушбу мамлакатда бўлди.***

Ташриф доирасида Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ва Туркия Истеъмолчилар ҳуқуқлари ассоциацияси вакилларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган тизимли ишлар ҳақида маълумот тақдим этилди, ўзаро манфаатли ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

Тадбирда Туркия Истеъмолчилар ҳуқуқлари ассоциацияси раҳбари Т. Чакар ассоциация фаолияти ҳақида сўзлаб берди.

**(Давоми 2-бетда).**

# ШҲТга аъзо давлатлар Олий судлари раисларининг ўн иккинчи мажлиси

*Тошкент шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Олий судлари раисларининг ўн иккинчи мажлиси Ўзбекистон раҳбарлигида бўлиб ўтди.*

Йиғилишда Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси В. Кумар, Қозоғистон Республикаси Олий суди раиси К. Мами, Хитой Халқ Республикаси Олий халқ суди раисининг ўринбосари Ду Ванхуа, Қирғизистон Республикаси Олий суди раиси А. Токбаева, Россия Федерацияси Олий суди раиси В. Лебедев, Покистон Ислом Республикаси Олий суди катта судьяси Г. Аҳмад, Тожикистон Республикаси Олий суди раиси Ш. Шоҳиён, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси К. Комилов, шунингдек, ШҲТ Бош котиби ўринбосари С. Имандосов ва ШҲТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия қўмитаси директори ўринбосари А. Мукашев иштирок этди.

**(Давоми 2-бетда).**

## ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

# Электорат манфаатларини таъминлашда амалий ишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда

*"Парламент — демократия мактаби", деймиз. Шундай экан, миллий парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши керак... Чинакам баҳс-мунозара, принципиал тортишувлар аввало шу ерда — парламент минбарида бўлиши керак. Шундагина ҳар бир сиёсий партия, парламентдаги ҳар бир партия фракциясининг ҳақиқий қиёфаси ва позицияси аниқ намоён бўлади".*

Давлатимиз раҳбарининг бундан уч ярим ой аввал Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси минбаридан туриб айтган бу сўзлари сиёсий партиялар, уларнинг фракциялари фаолиятини жонлантириш баробарида, белгиланган устувор вазифаларни амалиётга кенг татбиқ этишга туртки берди, десак, асло янглишмаймиз. Айни пайтда ҳар бир сиёсий партия ўз электоратига қилган ваъдаларини, сайловолди дастурларини тўла ҳамда самарали бажариш орқали мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида, фуқаролар онгида мустаҳкам ўрин эгаллашга интилмоқда.

Ўз навбатида, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг парламент қуйи палатасидаги фракцияси ушбу жараёнда фаол қатнашиб, илғор ғоя ва ташаббусларини илгари сураяпти. Айни чоғда Президентимизнинг парламент ҳамда сиёсий партиялар вакиллари билан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишидаги маърузаси асосида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастури ижросига жиддий масъулият билан ёндашмоқда. Унга мувофиқ, барча даражадаги партия ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари билан бир қаторда, фракция аъзолари фаолияти тубдан такомиллаштирилди, амалий ишлар миқёси кенгайди.

Айтиш жоизки, партия фракцияси қонун ижодкорлиги фаолиятига алоҳида эътибор қаратмоқда. Чунончи, ўтган даврда фракция йиғилишларида 88 та қонун лойиҳаси биринчи ҳамда кейинги ўқишларда муҳокама этилди. Мазкур қонун лойиҳалари бўйича депутатлар томонидан партия дастурий мақсадлари асосида 400 дан ортиқ таклифлар ишлаб чиқилди ва масъул қўмиталарга тақдим қилинди. Уларнинг 321 таси қонунларда ўз аксини топди. 27 та қонун лойиҳаси бевосита фракция аъзолари иштирокида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида партия сайловолди платформасида белгиланган вазифалар бўйича тайёрланди.

**(Давоми 2-бетда).**

# Соҳа равнақининг мустаҳкам кафолати

76th Plenary Meeting of the ICAC Tashkent, Uzbekistan 2017

***Пахтачилик саноатига илғор ишланмаларни жорий этиш бугунги замон талабидир. Бинобарин, илм-фан ва техника ютуқлари тола сифатини яхшилаш, иш самарадорлигини ошириш имконини беради. Шу боис кейинги йилларда дунё миқёсида ғўза селекцияси, генетикасини яхшилаш, турли касаллик ҳамда зараркунандаларга чидамли навларни яратиш, уни парваришлашда интенсив технологияларни кенг қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

Соҳанинг шу каби муҳим масалалари пойтахтимизда бўлиб ўтаётган Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитасининг 76-ялпи мажлисида ҳар томонлама чуқур муҳокама қилинаётир. Кеча тадбир дастуридаги маърузаларда ана шулар ҳақида сўз юритилди.

— Мазкур тадбир қишлоқ хўжалиги, хусусан, пахтачилик соҳаси вакиллари учун катта имкониятдир, — дейди Ўзбекистон Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти директори Шодмон Намозов. — Шу боис унга бўлган қизиқиш жуда юқори. Иштирокчилар кўп, мавзулар турлича. Масалан, бугун пахтачилик генетикаси, молекуляр генетика, ноанъанавий селекция услубларидан кенг фойдаланиш орқали ҳозирги глобал экологик ўзгаришлар, яъни шўрланишга, сув танқислигига чидамли ғўза навлари етиштириш борасидаги ютуқлар эътироф этилди. Шу билан бирга, ғўза уруғчилиги, навлар селекцияси, тола сифатини янада яхшилаш юзасидан муҳокамалар бўлиб ўтди.

Мажлисда ҳар бир иштирокчи нафақат маърузалар тинглаш, балки мунозараларда бевосита қатнашиш, ўз фикр-мулоҳазаларини ўртага ташлаш имкониятига ҳам эга бўлмоқда. Бу — олимларимиз, айниқса, ёш изланувчилар учун ниҳоятда фойдали. У соҳа вакилларига келгусида қайси йўналишда изланиш олиб бориш, қисқача айтганда, стратегияни белгилашда қўл келади, албатта.

Илмий асосланган агротехнологиялар — муваффақият гарови. Қувонарлиси, юртимизда кейинги йилларда ушбу йўналишда муайян натижаларга эришилмоқда. Бу эса фермерлар ишига ҳам, ҳосилга ҳам барака келтираяпти.

**(Давоми 2-бетда).**

ТАҲЛИЛ

*Статистик маълумотларга қараганда, мамлакатимизда мустақиллик йилларида электр энергияси истеъмолчилари сони 2,5 баробар ошиб, айни пайтда 6,5 миллион нафардан кўпроқни ташкил этаяпти. Уларнинг электр энергиясига ортиб бораётган эҳтиёжини узлуксиз таъминлаш мақсадида "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти тизимида ишлаб чиқариш ҳажми муттасил равишда ошириб борилаётгани қувонарлидир. Бунинг самараси ўлароқ, фақат ўтган йилнинг ўзида 57 миллиард киловатт/соатдан ортиқ электр энергияси етказиб берилди.*

*Президентимизнинг 2016 йил 23 ноябрдаги "2016 — 2021 йилларда паст кучланишли электр тармоқларини янгилаш, модернизация ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида"ги қарори электр энергияси таъминотини сифат жиҳатидан яхшилаш, мавжуд муаммоларни бартараф этишда дастуриламал бўлиб хизмат қилаяпти.*



# ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИНГ УЗЛУКСИЗ ТАЪМИНОТИ

тармоқда амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли тобора яхшиланмоқда

### Беҳуда йўқотишлар бўлмайди

— Мазкур қарор асосида ўтган қисқа давр ичида республикамиз бўйича 1 минг 200 километрдан зиёд электр тармоғи ҳамда 410 тадан ортиқ трансформатор пунктлари қайта реконструкциялаштирилди, — дейди "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти бошқарма бошлиғи Феруз Қурбонов. — 65 миллиард сўмлик кўпроқ маблағ йўналтирилган ушбу тадбирлар шарофати билан 80 мингдан ортиқ истеъмолчилар таъминоти тубдан яхшиланди.

Бундан ташқари, 2009 — 2017 йилларда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган уй-жойларни электрлаштириш учун 2,5 минг километр узунликда электр тармоғи ҳамда 1,5 мингтадан зиёд янги трансформатор пунктлари ўрнатилди. Натижада ҳудудлардаги 3 мингга яқин маҳаллалар ва қишлоқлар аҳолиси, 300 дан зиёд ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда ижтимоий соҳа объектларига узлуксиз электр энергияси етказиб берила бошланди.

Шу ўринда айтиш жоизки, амалиётда изоляцияланган симларнинг қўлланилаётгани таъминотдаги узилишларнинг олдини олишга хизмат қилаётган бўлса, замонавий ускуналар электр энергиясини узатишдаги йўқотишларни 3 фоизгача камайтириш имконини бермоқда.



### Куз-қиш мавсумига тайёргарлик қандай?

Куз-қиш мавсумида аҳолининг электр энергиясига бўлган талаби янада ортади. Таъминотда юзага келиши мумкин бўлган узилишларнинг олдини олиш учун қандай чора-тадбирлар кўрилаяпти?

— Очиғини айтиш керак, қиш мавсумида таъминотдаги узилишларга, асосан, айрим одамлар уйни иситишда электр энергиясидан меъёрсиз фойдаланиши сабаб бўлмоқда, — дейди "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамиятининг электр тармоқларидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Улуғбек Ҳакимов. — Жорий йилда бу каби ҳолатларнинг олдини олиш, аҳолини қиш мавсумида ҳам электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш мақсадида алоҳида дастур қабул қилинган. Унга кўра, республикамиз бўйича 16 минг километр узунликдаги паст кучланишли электр тармоқларини мукаммал таъмирлаш, 6 минг 300 га яқин трансформаторларда таъмирлаш-тиклаш ишлари сифатли бажарилмоқда. Бироқ мавсум кўнгилдагидек ўтишида аҳолининг электр энергиясидан тўғри фойдаланиши жуда муҳим эканлигини эътибордан қочирмаслик зарур.

### Афзаллиги кўп

Тошкент шаҳрида кенгроқ қўлланилаётган электр энергия истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат этишнинг автоматлаштирилган тизими ("АСКУЭ") тўлов маданиятини юксалтириш, қарздорликнинг олдини олишда алоҳида роль ўйнаётгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Шу боис жисмоний ҳамда юридик шахсларни мазкур тизимга уланган электр ҳисоблагичлар билан босқичма-босқич таъминлаш чора-тадбирлари кўрилаяпти.

— Ушбу тизимда истеъмолчи электр энергияси учун тўловни аввалдан амалга ошириши зарур бўлади, — дейди "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти масъул ходими Парда Хидиров. — Истеъмолчининг ҳисобида маблағ тугаши билан ҳисоблагич автоматик равишда хонадон ёки бинони тармоқдан узади. Токи, электр энергияси учун ҳақ тўланмагунича чироқ ёнмайди. Фойдаланувчи тўловни мобиль телефони орқали исталган жой ва пайтда амалга ошириши мумкин. Бунда "АСКУЭ"га уланган ҳисоблагичга "Электрон дастур" орқали автоматик равишда топшириқ юборилади. Натижада ўша заҳотиёқ электр энергияси таъминоти давом этади. Шу тахлит ортиқча оворагарликларга йўл қўйилмайди.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрининг Бектемир туманидаги аҳоли ҳамда юридик шахсларнинг электр энергия истеъмолини аниқлаш тўлиқлигича ана шу тизим асосида ишловчи ҳисоблагичларга ўтказилган.

"АСКУЭ" тизими синовдан муваффақиятли ўтса, у мамлакатимиз бўйлаб жорий этилиши кўзда тутилмоқда.

### Режалар аниқ, салоҳият етарли

"Ўзбекэнерго" АЖ тизимида кўплаб истиқболли лойиҳалар амалиётга татбиқ қилинаяпти. Жорий йилнинг якунигача "Тошкент иссиқлик электр станцияси" акциядорлик жамиятида фойдаланишга топширилиши кутилаётган, умумий қуввати 370 МВтга тенг бўлган буғгаз қурилмаси — шулардан бири. У тўла қувватда ишлай бошлагач, йилига 2,6 миллиард киловатт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Шартли ёқилғи сарфи 70 гр/кВт/соатга камайиши эвазига йилига 351 миллион кубометр табиий газ тежалади, 40 га яқин иш ўринлари яратилади. Бундай йирик лойиҳалар нафақат пойтахтда, балки Тўрақўрғон, Навоий, Фарғона, Тахиатош иссиқлик электр станцияларида ҳам амалга оширилиши режалаштирилган.

Тизимда олиб борилаётган бу каби аниқ саъй-ҳаракатлар мамлакатимизда энергетика соҳасини янада ислоҳ қилиш, энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш, аҳолини электр энергия билан узлуксиз таъминлашга қаратилгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Буюк Британияда инфляция даражаси сўнгги беш ярим йил ичидаги энг юқори кўрсаткичга етди, дейилади "Евроньюс" телеканали хабарида.*

## Инфляция кучаймоқда



Яъни бу борада 3 фоизлик ўсиш қайд этилган. Экспертларнинг фикрича, мазкур ҳолат туфайли келгуси ойдан эътиборан Англия банки кредит фоиз ставкаларини ошириши мумкин.

Буюк Британиянинг Европа Иттифоқи таркибидан чиқиши бўйича ўтказилган референдум инфляциянинг кучайишига таъсир қилди. Натижада аҳоли даромадлари сезиларли равишда пасайган. Бу, ўз навбатида, иқтисодиётга салбий таъсир ўтказаяпти.

## Смартфондаги камчилик

*АҚШнинг "Apple" компанияси "iPhone X" русумидаги смартфонларни етказиб беришни икки баробар қисқартирди.*



Бунга замонавий қурилманинг юзни аниқлаш функциясида муаммолар мавжудлиги сабаб бўлган. Смартфонларга янги "Face ID" модули ўрнатилиши орқали ушбу масала ижобий ҳал этилади.

Компания режага биноан, ойига 10 миллион та "iPhone X" ишлаб чиқариши керак. Энди уларни кенг оммага тақдим қилиш шу йилнинг 3 ноябридан бошланади.

## Магнит бўронлари

*Магнит бўронлари энди ҳар икки ҳафтада такрорланиши ҳамда бу жараён бир неча ойлар мобайнида давом этиши мумкин.*



Россия Фанлар академиясининг Физика институти қошидаги Қуёш астрономиясини рентген қилиш лабораторияси мутахассислари шундай хулосага келишди.

Олимларнинг сўзларига кўра, ҳозирги пайтда Қуёш шамоли коинотда икки йирик йўналишда ҳаракатланаяпти ҳамда улар юлдузлар томонига қарама-қарши бормоқда. Айни шу самовий жараён магнит бўронларининг давом этишига туртки бўлади.

## Тоғдаги ҳодиса

*Мўғулистон марказидаги Отгонтэнгэр тоғида қор кўчиши оқибатида ўн нафар альпинист ҳалок бўлди, яна етти киши бедарак йўқолди.*

Айни пайтда воқеа жойида қидирув-қутқарув ишлари олиб борилмоқда. Бу ишга 111 нафар қутқарувчи жалб этилган.

Отгонтэнгэр тоғининг баландлиги 4 минг метр бўлиб, Хангай кенгликларида жойлашган.

## Табиат синови

*Япония ҳудудига "Лан" номли кучли тўфон кириб келди.*



"Эн-Эйч-Кей" телеканали хабарида айтилишича, шамол соатига 45 километр тезликда ҳаракатланмоқда. Кўплаб жойларда сув тошқинлари келиб чиқди. Табиий офат туфайли икки киши ҳаётдан кўз юмган. "Japan Airlines" ва "All Nippon Airways" авиакомпаниялари икки кун давомида 500 дан зиёд рейсларни бекор қилди. Поездлар қатновида ҳам узилишлар кузатилаяпти.

Тўфон таъсир этиши мумкин бўлган ҳудудлар маъмурияти 5,6 минг оила вақтинча хавфсиз жойга кўчирилиши зарурлигини билдирди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

---

# Хусусийлаштириш ва масъулият

*Мамлакатимизда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш бўйича яратилган янги тизим, яъни бўш турган биноларни инвестиция киритиш мажбурияти билан "ноль" харид қийматида тадбиркорларга сотиш амалиёти ўзини тўла оқламоқда. Негаки, бу хусусийлаштириш жараёнини жадаллаштириш билан бирга, ишлаб чиқаришга илғор технологияларни жалб қилиш ҳисобига рақобатдош, экспортбоп маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйиш, янги иш ўринлари яратиш имконини бераяпти.*

ФАРМОН ВА ИЖРО

Президентимизнинг 2017 йил 17 январдаги "Тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш учун давлат мулки объектларини сотишни жадаллаштириш ва унинг тартиб-таомилларини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ислоҳотларга янгича мазмун бағишлади. Қашқадарё вилоятида мазкур ҳужжатнинг изчил ижросини таъминлаш мақсадида кенг кўламли ишлар олиб борилаяпти. Бунинг самараси ўлароқ, жорий йилнинг ўтган даврида бўш турган ҳамда фойдаланилмаётган давлат мулки объектларидан 78 таси, шунингдек, ишлаб чиқариш майдонларидан 66 таси аниқланиб, хусусийлаштириш дастурларига киритилди.

Унга кўра, фойдаланилмаётган объектларнинг 7 таси маҳаллий давлат органлари балансига ўтказилиб, 16 таси хўжалик бирлашмалари устав фондига давлат улуши сифатида қўшилди. Шунингдек, оммавий савдоларга чиқарилган 43 та объектнинг 32 тасини инвестиция киритиш мажбурияти билан "ноль" харид қийматида сотиш кўзда тутилмоқда. Қувонарлиси, ушбу бино ва иншоотларнинг аксарияти аллақачон салоҳиятли сармоядорларга берилди. Масалан, 8-сонли Қурилаётган корхоналар бирлашган дирекциясининг Қарши шаҳридаги бўш турган ишлаб чиқариш биноси "Biss electronics system" МЧЖга сотилди. Инвестор бир йил давомида камида 22 миллиард сўмлик инвестиция киритиш, 100 тадан кам бўлмаган янги иш ўринларини яратиш орқали замонавий тайёр электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқариш мажбуриятини олди. Қарши шаҳридаги "1-сон Темир-бетон буюмлари" заводининг 9384 кв.м.лик очиқ маҳсулот сақлаш омборхоналари ҳам муносиб мулкдор қўлига ўтди.

Гап шундаки, у 18 ой муддатда 17 миллиард сўмлик инвестиция киритиб, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ҳамда сотиш фаолиятини ташкил этиш орқали 80 та янги иш ўрни яратиш шарти билан "Big agro export" МЧЖга сотилди.

Умуман олганда, вилоятда хусусийлаштириш дастурлари асосида 63 та давлат мулки объекти сотилди. Тузилган шартномаларга кўра, уларга 65 миллиард 686 миллион сўм ва 8 миллион 270 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилиб, 1 минг 620 та иш ўрни яратилиши белгиланган.

Таъкидлаш керакки, вилоятда хусусийлаштирилган корхоналар билан ишлаш, уларга яқиндан ёрдам бериш, юзага келган муаммоларни бартараф қилишда кўмаклашиш юзасидан ҳам амалий саъй-ҳаракатлар олиб борилаяпти. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 23 февралдаги "Тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланишларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, вилоят ҳокимлигининг Идоралараро комиссияси, шаҳар ҳамда туманларда эса ҳокимларнинг биринчи ўринбосарлари раҳбарлигидаги ишчи гуруҳлар томонидан бажарилаётган ишлар эътиборга моликдир.

Бу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси ҳам фаол иштирок этиб, шакллантирилган хусусийлаштирилган кўчмас мулк ҳамда қурилиши тугалланмаган объектлар рўйхати ер ресурслари ва кадастр, давлат солиқ, статистика ҳамда Марказий банк бошқармаларига ва туман (шаҳар)лар ишчи гуруҳларига берилмоқда.

Ишчи гуруҳлар томонидан мазкур рўйхатдаги 4103 та хусусийлаштирилган кўчмас мулк ҳамда қурилиши тугалланмаган объектлар ўрганиб чиқилди. Унинг натижаларига кўра, 2283 та объект ва корхона фаолият кўрсатаётгани, 1551 таси бузилгани, 269 таси эса фаолият юритмаётгани ёки паст қувватда ишлаётгани аниқланди. Бунинг сабаблари Идоралараро комиссиянинг йиғилишида муҳокама қилиниб, тегишли тадбирлар белгиланаяпти. Бўш турган ҳамда фаолиятсиз корхона ва объектларнинг мулкдорлари билан учрашувлар ўтказилиб, уларга давлатимиз раҳбарининг юқоридаги қарори мазмун-моҳияти, талаблари тўлиқ тушунтирилмоқда ҳамда фаолиятини қайта йўлга қўйиш чоралари кўрилаётир.

Бу каби саъй-ҳаракатлар бизнесини йўлга қўя олмаётган, тадбиркорлик соҳаси қонунчилигини пухта ўзлаштирмаганларда етарли тушунчаларни шакллантириб, уларга молиявий бошқарув, иш юритиш, солиқ, божхона тизимлари ҳуқуқий ҳужжатлари билан ишлаш бўйича зарур маълумотга эга бўлиш имконини яратаяпти. Пировардида корхоналар фаолияти изга тушиб, ички бозорни юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш самарадорлиги ошмоқда.

**Мустафохон СУЛТОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи.**

---

«ЎЗБЕКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ»

*Нукусда Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 25 йил ҳамда корейс миллатига мансуб юртдошларимизнинг мамлакатимизда яшаётганига 80 йил тўлиши муносабати билан байрам тадбири ташкил этилди.*

# Бир оила фарзандларимиз

"Ўзбекистон — умумий уйимиз" шиори остида уюштирилган мазкур анжуман турли миллий маданий марказлар фаолиятига бағишланган кўргазма билан бошланди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида яшаётган ва Ватанимиз равнақига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган корейс халқи ҳаётига бағишланган ҳужжатли фильм намойиш қилинди.

Таъкидлаш керакки, айни пайтда Оролбўйида 50 дан ортиқ миллатлар ҳамда элатлар вакиллари қаторида корейслар ҳам бир оила фарзандларидек тинч-тотув, аҳил-иноқ яшаб, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли янгиланиш ва ўзгаришларда фаол қатнашмоқдалар.

— Кўп йиллар мобайнида ёш авлод таълим-тарбиясига баҳоли қудрат улуш қўшдим, — дейди амударёлик фахрий муаллима Роза Хван. — Ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, Ўзбекистондек бағрикенг юрт дунёда кам. Ҳозир фарзандларим, невараларим ардоғидаман. Шу Ватанда туғилиб, яшаётганимдан фахрланаман.

Тадбир якунида туркман, қозоқ, рус, украин, корейс миллий маданий марказлари қошидаги бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг концерт дастури намойиш этилди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

# Қўшимча 400 та иш ўрни яратилади

*Дўстлик туманида ўтган йили ташкил этилган масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Fresh Style" хорижий корхонаси Жиззах вилоятида самарали фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш субъектларидан бири ҳисобланади. Бу ерда ҳар ойда 240 миллион сўмлик болалар ва катталар кийимлари тайёрланмоқда.*

ИНТИЛИШ

— Корхонамиздаги бичиш, тикиш, кесиш, тозалаш ва дазмоллаш ускуналарининг асосий қисми хориждан келтирилган, — дейди тадбиркор Зоир Шарипов. — Қўлланилаётган технологияларнинг замонавийлиги, фойдаланилаётган матолар табиийлиги маҳсулотларимиз харидоргирлигини таъминлаяпти. Ташқи савдо кўрсаткичларимиз ўсиб бормоқда.

Дарҳақиқат, "Fresh Style" маҳсулотларининг 95 фоизи Европа давлатларида сотилмоқда. Айни пайтда 210 нафар хотин-қиз меҳнат қилаётган мазкур корхонада жорий йил охирига қадар қўшимча қувватларни ишга тушириш мўлжалланган. Шу орқали қўшимча 400 та иш ўрни яратилади.

**Толибжон ЭРГАШЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

# Олдимиздан оққан дарё...

*Сурхондарё вилоятида балиқчилик тармоғи истиқболсиз, деб қарайдиганлар ҳамон орамизда йўқ эмас. Улар билан суҳбатлашсангиз, "Ҳудуд географик жойлашуви, иқлим шароити бунга йўл қўймайди", деган важ билан фикрини исботламоқчи бўлади. Аслида ҳам шундайми?*

ИМКОНИЯТ

Асло йўқ. Бу ерда балиқчиликни ривожлантириш учун етарлича шарт-шароит мавжуд. Шу боис кейинги йилларда ушбу тармоққа катта эътибор қаратилиб, кўплаб балиқчилик хўжаликлари ташкил этилаяпти. Бу ички бозорни парҳез маҳсулот билан тўлдиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда вилоятда балиқчиликка ихтисослаштирилган 200 га яқин фермер хўжаликлари фаолият кўрсатаётир.

Тадбиркорларнинг ушбу йўналишдаги бизнес лойиҳалари молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани янги субъектларнинг юзага келишида муҳим омил бўлаяпти. Биргина жорий йилнинг ўтган даврида 36 та балиқчилик хўжалигига 6 миллиард 300 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилиб, кўплаб янги лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Президентимиз жорий йилнинг 10-11 февраль кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида яқиндан танишган "Термиз агро фиш экспорт" агрофирмасининг балиқ етиштириш ва қайта ишлаш лойиҳаси тармоқдаги энг йирик лойиҳалардан бири ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбарининг тавсияси асосида у янада такомиллаштирилаяпти. Айни пайтда "Термиз агро фиш экспорт" агрофирмаси томонидан Қумқўрғон ҳамда Термиз туманларида 240 гектар майдонда замонавий сув ҳавзалари барпо этилмоқда. Унинг биринчи босқичида Вьетнам технологияси асосида йилига 500 тонна, тўлиқ қувват билан иш бошлагач эса, йилига 2 минг тонна балиқ маҳсулотлари етиштириш кўзда тутилган. Бу қўшимча 105 та иш ўрнини яратиш имконини беради.

— Интенсив усулда балиқ етиштиришнинг афзаллиги маҳсулдорлигининг юқорилигидир, — дейди мазкур агрофирма раҳбари Нормуҳаммад Норҳамидов. — Масалан, 1 гектар майдондаги табиий кўлда 100 килограмм балиқ маҳсулоти етиштирилса, интенсив усулда мазкур кўрсаткич 20 тоннадан ортади. Айни пайтда 12 гектар майдонда сунъий сув ҳавзаси қурилиб, асосан, зоғора, оқ дўнгпешона, оқ амур каби балиқлар парваришланмоқда. Бунинг учун банкнинг 2,5 миллиард сўмлик кредити йўналтирилди. Келгусида сунъий сув ҳавзасини 45 гектарга етказишни режалаштирганмиз.

Шу билан бирга, сиғими 200 тонналик музлаткич қуриш, дудланган ва консерваланган балиқ маҳсулотлари тайёрлаш, балиқлар учун омихта ем ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйиш ниятидамиз.

Жорий йилда вилоятда 3 минг тоннага яқин балиқ маҳсулотларини халқимиз дастурхонига етказиб бериш мўлжалланмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 1 майдаги "Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борадаги мақсадли тадбирлар ижросини таъминлашда дастуриламал бўлаётир.

**Илҳом РАҲМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Фармацевтика:

# СУНЪИЙ ТАҚЧИЛЛИККА БАРҲАМ БЕРИЛАДИМИ?..

*Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 18 октябрь куни соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, сифатли дори-дармон билан таъминлаш борасидаги ислоҳотлар таҳлилига бағишлаб ўтказган йиғилишда тизим фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, жойларда ҳақли эътирозларга сабаб бўлаётган муаммо ҳамда камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ кўрсатмалар берди. Бундан мақсад — аҳолининг соғлиқни сақлаш ва фармацевтика хизмати фаолиятидан рози бўлишига эришишдан иборат.*



**ДОЛЗАРБ МАВЗУ**

Хўш, бу борада Фарғона вилоятидаги дорихоналарда аҳвол қандай? Улар талаблар асосида фаолият кўрсатаяптими? Аҳоли дори-дармонлар нархи, тиббий хизмат кўрсатиш маданиятидан мамнунми?! Биз шу саволларга жавоб топишга ҳаракат қилдик.

Маълумотларга қараганда, Фарғона вилоятидаги Халқ қабулхоналарига аҳоли томонидан 2017 йилнинг ўтган даврида дори-дармон нархлари, соғлиқни сақлаш ҳамда тиббий хизмат кўрсатиш масалалари бўйича 2000 дан ортиқ мурожаатлар келиб тушган.

Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган дори-дармонлар рўйхатига киритилган 343 турдаги доринирнг 116 таси маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан етказиб берилса, 227 таси импорт қилинади. Табиийки, импорт амалиёти орқали келтирилган дорилар маҳаллий воситаларга нисбатан қиммат.

Мутахассислар, дорихона эгалари билан мулоқот жараёнида улар вилоятда йирик миқдорда дори-дармон етказиб бериш билан шуғулланадиган ягона таъминотчи бўлиши кераклигини таъкидладилар. Шундагина нархлар бир хил ва дорилар етарли бўлишига эришилади, деган фикрдалар.

— Қува туманидаги "Янги қишлоқ" маҳалла фуқаролар йиғинида яшайман, — дейди 65 ёшли отахон Абдурашид Комилов. — Тумандаги барча дорихонадан кўзим учун зарур бўлган томчи — "Офтимол"ни тополмадим. Вилоят марказига келдим. Бу ерда ҳам бирорта аптекада ушбу дорини кўрмадим. Дори-дармон воситаларининг нархлари арзонлашганлигини эшитиб, хурсанд бўлгандик. Арзон-у, аммо уни топиб бўлмаса, буям бир бошоғриқ экан...

Фарғона шаҳридаги аксарият хусусий дорихоналарда "Сальбутамол", "Элизин", "Гепарин", "Инфезол" сотувда деярли йўқ. Ваҳолонки, улар инсон саломатлиги учун жудаям зарур дорилар саналади. Бундан ташқари, дорихоналарда "Цинепар" таблеткасининг 100 донаси 60 — 65 минг, "Кюпен" дориси эса 55 — 65 минг сўмгача сотилаётганлигини кузатиш мумкин. Нархлардаги тафовут сабабини сотувчилар дори воситаларини улгуржи таъминотчиларнинг турли нархларда етказиб беришлари билан изоҳлашди.

Вилоят перинатал маркази олдидаги дорихонада Фурқат туманида истиқомат қилувчи Музаффар ака Каримов билан суҳбатлашдик. У кишининг айтишича, Фурқат тумани ҳамда Қўқон шаҳридаги шифокорлар "Ҳомиласини сақлай олмаймиз", дейишгани боис келинини вилоят марказига олиб келишибди. Хайриятки, она ҳам, эгизаклар ҳам омон. Бироқ қирқ кундан буён она-болалар учун дори-дармон олиш қайнотанинг тинка-мадорини қуритган.

— Келиним учун қонни ювадиган 30 минг сўмлик дорини топиш учун ўнлаб дорихонани кездим, ҳеч қаерда йўқ, — дейди М. Каримов. — Ниҳоят, Марғилондан топдим. Жуда сарсон бўлдим...

Президентимиз жорий йил 17 июлда "Аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорни имзолади. Мазкур ҳужжатда ўз ечимини кутаётган кўплаб масалалар қамраб олинган. Хусусан, аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан узлуксиз таъминлаш, сунъий тақчилликка ҳамда нархларнинг ошириб юборилишига йўл қўймаслик бўйича қатор чора-тадбирлар белгиланган.

Бунинг амалий аҳамияти шундаки, илгари хориждан харид қилинаётган дори воситалари то юртимизга киритилиб, дорихоналарга тарқатилгунига қадар бир нечта босқичдан ўтарди. Натижада ортиқча расмиятчиликлар сабаб, зарур дори белгиланган муддатидан кечикиб етиб келарди. Дори воситаларининг тендер савдоларисиз харид этилиши айни шу масалага ечим бўлиши кутилмоқда.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг қатъий талаби ва кўрсатмалари асосида мазкур йўналишда янгиланишлар рўй бераётир. Жумладан, Юртбошимизнинг 2017 йил 3 майда қабул қилинган "Нукус-фарм", "Зомин-фарм", "Косонсой-фарм", "Сирдарё-фарм", "Бойсун-фарм", "Бўстонлиқ-фарм" ва "Паркент-фарм" эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони, аввало, юртимизда фармацевтика соҳасини ривожлантириш, дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, маҳаллий дори-дармон воситалари бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган юқори сифатли препаратлар билан тўлдириш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, дори-дармон ва тиббиёт буюмлари экспортини янада оширади. Бундай эзгу саъй-ҳаракатлар эса энг устувор мақсад — одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига қаратилганлиги билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

**Элёржон ЭҲСОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Спорт**

## Яримфиналда ким зафар қучади?

*Малайзияда теннис бўйича "Фьючерс" мусобақаси ўтказилмоқда.*

Қирғизистонлик ракетка устаси Дониёр Дулдаев билан жуфтлик баҳсларида иштирок этаётган юртдошимиз Ҳумоюн Султонов турнирнинг яримфиналида бошқа бир теннисчимиз Жўрабек Каримов ва Хитой вакили Аоран Ванг тандемига қарши кортга тушадиган бўлди.

Дулдаев/Султонов дуэти чорак финалда голландиялик теннисчилар Марк Дийкузен ҳамда Скотт Гриекспурни, Каримов/Ванг эса мусобақанинг биринчи рақам остида сараланган спортчилари Харундай/Евсеевни мағлубиятга учратган.

Маълумот учун айтиб ўтамиз, Жўрабек Каримов яккалик баҳсларида ҳам ғолибона юришини давом эттираяпти.

## «Цементчи» олий лигада

*Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионатининг биринчи лига 33-тур учрашувларидан сўнг Қувасойнинг "Цементчи" жамоаси муддатидан олдин олий лига йўлланмасини қўлга киритди.*

Мазкур турда "Цементчи" ўз майдонида Қаршининг "Насаф-2" жамоасини йирик 3:0 ҳисобида енгди. Э. Мамасолиев, Д. Маматов, М. Зокиржоновнинг биринчи бўлимда киритган голлари мезбонларга ишончли ғалабани тақдим этди.

Олий лигага йўл оладиган иккинчи жамоа номи биринчилик якунида маълум бўлади.

## Қитъа мусобақасига қуръа ташланди

*2018 йилнинг январь ойида Чангжоу (Хитой) шаҳрида футбол бўйича ташкил этиладиган "U-23" Осиё чемпионатига қуръа ташланди.*




Унга кўра, Равшан Ҳайдаров бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси "А" гуруҳида Хитой, Қатар ва Уммон футболчилари билан куч синашади. Мусобақанинг қолган гуруҳлари қуйидагича кўриниш олди:

**"В" гуруҳи:** Япония, КХДР, Таиланд, Фаластин.

**"С" гуруҳи:** Ироқ, Иордания, Саудия Арабистони, Малайзия.

**"D" гуруҳи:** Жанубий Корея, Австралия, Сурия, Вьетнам.

**Суннатилла ИСЛОМОВ тайёрлади.**

**Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти**

томонидан «Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 4 октябрь, 199 (6893)-сонида чоп этилган танлов савдолари ўтказилиши тўғрисидаги эълоннинг «Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти янги ўқув корпуси қурилиши (анҳор устидан кўприк қурилиши билан)» объекти бўйича танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилганлиги муносабати билан буюртмачининг бошланғич баҳоси қуйидагича белгиланганлиги маълум қилинади:

— 61 740 109 109 сўм ҚҚС билан;
— 51 450 090 924 сўм ҚҚСсиз.

1336А/489

**ҒАМХЎРЛИК**

*"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фондининг Навоий вилояти филиалида 40 нафар ногирон бола ва 10 нафар ногирон аёлга ҳаракатланиш аравачалари топширилди.*

## Эзгуликнинг қадри улуғ

Улар Туркиянинг "TIKA" халқаро ташкилоти томонидан тақдим этилди. "Соғлом авлод учун" хайрия фонди мазкур ташкилот билан 20 йилдан буён ҳамкорлик қилиб келади.

— Ўтган йили "TIKA" томонидан Кармана туманидаги 25-мактаб-интернатнинг кўриш, эшитиш ҳамда сўзлашда нуқсони бор болалари учун мосламалар ва тикув машиналари берилган эди, — дейди фонднинг вилоят филиали директори Марҳабо Юлдашева. — Бу эзгу анъана давом этмоқда.

Шунингдек, тадбир доирасида ногирон болалар ҳамда аёлларга "Соғлом авлод учун" хайрия фонди филиали томонидан санитария-гигиена воситалари, турли дори-дармонлар, қишки кийим-кечак ва пойабзаллар ҳам тақдим қилинди.

**Темур ЭШБОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Аҳоли осойишталиги — устувор мақсад

*Ўша куни тонгда шивалаб ёмғир ёғаётганди. Ғира-ширада бозорга отланган Толибжон орқасидан бўлган кучли зарба натижасида кўчанинг қарама-қарши томонига учиб тушди. Яхшиямки, ҳамроҳлари бор экан, дарров "Тез ёрдам" машинасини чақириб, яқин орадаги шифохонага етказишди.*

**ПРОФИЛАКТИКА**

Бу пайтда катта тезликда ҳаракатланаётган машина ҳайдовчиси одам уриб юборганини сезгач, автоуловини узоқроқ масофада қолдириб, аҳволни билиш учун ортга қайтди. Жабрланувчининг жон талвасасида ётганини кўрабила туриб, тезда воқеа жойидан қочиб кетди.

Мазкур автоҳалокат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларини оёққа турғизди. Толибжоннинг ҳамроҳи фалокат содир этган автомашина такси кўринишидаги сариқ рангли "Нексия" эканлигини, давлат рақамининг айрим белгиларинигина илғаб қолганини билдирди. Қолаверса, шу жойдаги чорраҳага ўрнатилган кузатув камераси воқеани тасвирга туширганди. Тезкор суриштирув ва тўпланган маълумотлар мутахассисларни С. Адашев кўчасида яшовчи фуқаронинг хонадонига бошлайди. Аммо у қилмишидан тонади. Ички ишлар бўлимига олиб келиниб, камера ёзувидан кўчирилган тасвирлар намойиш қилинганида эса ранги оқариб, ўзини йўқотиб қўяди. Айбини бўйнига олиб, кечирим сўрайди. Аммо энди кеч бўлганди.

Кейинги пайтларда Наманган шаҳридаги автомобиль йўлларида ўрнатилган электрон кузатув тизими бу сингари мураккаб жиноятларни аниқлашда самарали воситага айланмоқда. Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 7-8 июль кунлари вилоятга ташрифи чоғида Наманган шаҳрида мазкур йўналишда тўпланган тажрибалар билан яқиндан танишди. Ички ишлар органлари ходимлари зиммасига замонавий ахборот технологияларини қўллаган ҳолда, ўзаро тезкор алоқа алмашишнинг ягона тизимини яратиш вазифаси юклатилди. "Хавфсиз шаҳар" лойиҳасига мувофиқ, бу борадаги режалар босқичма-босқич ижросини топаётир. Хусусан, ўтган қисқа вақт ичида шаҳарнинг ягона геоинформацион харитаси яратилиб, унда хавфсизлик масалаларига тегишли хизмат соҳалари бўйича барча маълумотни жамлаш йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, марказий бошқарув хонасида пост-патруль хизмати ходимларига бириктирилган хизмат автомашиналари ва пиёда патруллик гуруҳларининг ҳаракатланиш тартиби тўғрисидаги онлайн харита яратилган. Бу автотранспорт воситаларига ўрнатилган "GPS" навигаторлари орқали кузатув ва назоратни таъминлаш ҳамда тезкор жиноят қидирув ва профилактик тадбирларни олиб бориш имконини бераётир.

— Ҳозирги кунга қадар 126 та объектда 411 дона замонавий рақамли кузатув мосламаси ўрнатилди, — дейди Наманган шаҳар ички ишлар бошқармаси бўлим бошлиғи Аловуддин Имомов. — Йирик савдо мажмуалари, турли хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳамда муассасаларда ўрнатилган мазкур кузатув воситалари ҳудудлар хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш бўйича имкониятларимизни кенгайтирди.

Айтиш лозимки, янги тизим ҳуқуқ-тартибот соҳасининг бошқа йўналишларига ҳам жадаллик билан татбиқ этилмоқда. Жумладан, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматини ҳам электрон кузатув воситалари билан таъминлаш тадбирлари бошлаб юборилди. Бунда биринчи босқичда энг гавжум, транспортлар тирбандлиги юқори бўлган кўчалардаги 6 та чорраҳани видеокузатув мосламалари билан жиҳозлаш режалаштирилди. Айни пайтда улар синов тартибида ишлаяпти. Дастлабки таҳлиллар ушбу чорраҳалардан ўтаётган ҳайдовчилар қоидаларга сўзсиз амал қилаётганини, пиёдалар соғлиғи ва ҳаётига таҳдид солиши мумкин бўлган йўл-транспорт ҳодисаларининг кескин камайганлигини кўрсатди.

Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган "Хавфсиз шаҳар" лойиҳаси Наманганда ҳар қандай жиноят ёки ҳуқуқбузарликларга зудлик билан тезкор чораларни кўриш, унинг оғир оқибатлари олдини олишда муҳим омил бўлаяпти.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЭЪЛОНЛАР

**«Ўзагросервис» АЖ**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги «Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 456-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, қуйидагиларни сотиб олиш бўйича тендер танлови эълон қилади:**

— **Компьютер қурилмаси — 180 та, тузилиши:**
Intel-Celeron 2,9GHz2хядро/MB H 110 / DDR4-4GB / HDD 500 GB SATA / Case / VGA Lan integrated / Keyboard / Mouse Optical/
Monitor 18.5 LED
— Талаби: компьютерларнинг ичида Windows 7, Offise 2013, замонавий антивирус дастурлари ва 1 йиллик кафолат ҳамда техник қўллаб-қувватлаш бўлиши шарт. Пул ўтказилганидан сўнг 5 (беш) кун мобайнида етказиб бериш шарти билан.
— **«1-С Бухгалтерия 8.3» дастури — 180 та.**
— Талаби: дастур лицензияланган, локал тармоқда ишлашга мослаштирилган, ҳар бир фойдаланувчи шахсий логин пароли билан кириш имкони бўлиши, ахборот хавфсизлик талабларига жавоб бериши ва 1 йил давомида техник қўллаб-қувватлаш ҳамда масофа орқали маслаҳат бериш. Пул ўтказилганидан сўнг 5 (беш) кун мобайнида ўрнатиш шарти билан.

**Тижорат таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 кун мобайнида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4-«А» уй. Қўшимча маълумот учун телефонлар: (0-371) 244-59-20, 244-52-95.**

1335А/485

**Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг**
**ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ИШСИЗ ВА БАНД БЎЛМАГАН АҲОЛИНИ КАСБ-ҲУНАРГА ЎҚИТИШ МАРКАЗИ**

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг «Ўзбекистонда касб-ҳунарга ўқитиш имкониятларини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) иштирокида Тошкент шаҳрида ташкил этилган ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш марказига

**ўқувчилар қабул қилинади.**

Марказда ишсиз фуқароларни касб-ҳунарга ўқитиш (қайта тайёрлаш) қуйидаги асосий йўналишлар бўйича бепул амалга оширилади — автомобилларни диагностика қилиш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш (авточилангарлар, моторчилар, автомобиллар диагностикаси бўйича мутахассислар), машинасозлик ишлаб чиқариши (токарлар, фрезерчилар, пайвандчилар, металлга ишлов бериш мутахассислари), электр ҳамда электроника (электрон техника, радио ва телеаппаратураларни таъмирлайдиган мутахассислар), ахборот технологиялари (ҳисоблаш машиналари операторлари, компьютер ва бошқа турдаги маиший техникаларга хизмат кўрсатиш ҳамда таъмирлаш бўйича мутахассислар).

Марказда касб-ҳунарга ўқиш муддати — 10 ой, шундан марказда ўқиш — 6 ой, корхоналарда ишлаб чиқариш амалиёти — 4 ой. Касб-ҳунарга ўқитиш марказига ҳужжатлар, ўқиш истагини билдирганларнинг ихтиёрий танловига мувофиқ, туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказининг йўлланмаси асосида қабул қилинади.

Тошкент шаҳридаги ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш марказининг битирувчиларига эгаллаган касби (мутахассислиги) бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи давлат намунасидаги диплом берилади.

Талаб қилинадиган ҳужжатлар: ариза, паспорт (асли ва нусхаси), маълумотини тасдиқловчи ҳужжат (диплом ёки аттестат, асли ҳамда нусхаси), тиббий маълумотнома (086-У форма), ишга жойлаштиришни кафолатловчи уч томонлама (иш берувчи, туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази, жисмоний шахс) шартнома нусхаси, аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан берилган йўлланма, 3,5х4,5 см. ҳажмдаги 4 дона рангли фотосурат.

***Ҳужжатлар 2017 йил 1 ноябрдан 30 ноябргача қабул қилинади.*** *Гувоҳнома № 001537.*

**Манзил: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Сергели-8 мавзеси.**
**Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 251-19-03, 251-26-44. www.vtct.uz www.mehnat.uz**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1045. 76 181 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-6786

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Ф. Маҳкамова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.00 Топширилди — 02.20 1 2 3 4 5